




КАСБИЙ ТАЪЛИМДА
ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ХАЙДАРОВ БОТИР МАШРАПОВИЧ

«ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ»
ЎҚУВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ
АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ХИЗМАТИ

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Б. М. ХАЙДАРОВ

**«ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ»
ЎҚУВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Методик қўлланма

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2016

УЎК:631.3(072)
КБК:40.72
Ч-51

Техника фанлари номзоди М.Холмухамедовнинг умумий таҳрири остида.

Такризчилар:

Ганиева Муборак Адилевна – Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

Файзуллаева Дилфуза Мирақбаровна – Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодий педагогика» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Хайдаров, Ботир

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти бўйича таълим технологияси: методик қўлланма – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2016. – 212 б.

КБК:40.72ya722
65.325.2

Ушбу методик қўлланмада педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлиги ва «Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти бўйича ўқитишни технологиялаштириш қоидалари ҳисобга олинган ҳолда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштирилган тажриба-синов таълим технологияси келтирилган.

Методик қўлланма «Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётини ўқитишдаги барча ўрта махсус касб-ҳунар коллежларнинг ишлаб-чиқариш таълими усталари учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланма ИОТ-2015-4-10 – «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар бўйича таълим беришнинг альтернатив усуллари яратиши» инновацион лойиҳаси доирасида яратилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати «Қишлоқ ва сув хўжалиги» йўналишидаги Ўқув-методик бирлашманинг 2016 йил 19 январдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти бўйича таълим технологияси назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда назарий ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур ўқув амалиётининг тузилмаси келтирилган ҳамда амалиётнинг мазмуни очиқ берилган. Шу билан бирга ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситаларининг концептуал асослари, педагогик технологияларнинг йўналишлари, муаммолари ва ечимлари, тамойиллари, янги педагогик технологияларнинг истиқболлари ёритилган.

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) кириш инструктажида кириш-маъруза, муаммоли маъруза, визуаллаштирилган маъруза кўринишлари қўлланилиши;

2) жорий инструктажда топшириқларни индивидуал тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, муаммоли амалий машғулот ҳамда билимларни чуқурлаштириш ва мустақамлашга йўналтирилган амалий топшириқларнинг бажарилиши.

Мазкур таълим технологияси барча касб-ҳунар коллежларида мавжуд бўлган шароитларни кўзда тутган ҳолда ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан қўлланилиши мумкин.

Шу билан биргаликда муаллиф қўлланмада учрайдиган айрим камчиликлар ва меъёрига етмаган ўринлар учун узр сўраб, билдирилган барча танқидий мулоҳаза ва таклифларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

**«ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ»
ЎҚУВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

1. «ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ» ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда чилангарлик ўқув амалиётини аҳамияти каттадир.

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётининг асосий мақсади – таълим жараёнида ўқувчиларни фаоллигини ошириш натижасида, уларни объектдан субъектга айлантиришдир.

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётининг асосий вазифалари:

- ўқувчиларнинг ўқув амалиётга оид билимларини тизимли тартибда умумлаштириш;

- ўқувчиларга металлларга ишлов бериш тўғрисида назарий билим бериш, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларга металлларга ишлов бериш жараёнини кетма-кетлигини ўргатиш ҳамда амалий машқларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни амалга ошириш;

- маъруза матнларини электрон воситаларга кўчириш ва улар билан ҳар бир ўқувчини таъминлашга эришиш;

- ўқув-тарбия жараёнига янги ахборот технологияларни кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалар билан таъминлаш, коммуникацион тармоқларга боғлаш;

- таълим усули, маълум маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуи ҳамда таълим ва тарбия жараёнини оптимал ташкил этишдир.

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти ўқув режасидаги деярли барча ўқув амалиётлар билан алоқа ўрнатади. Айниқса, «Пайвандлаш ишлари», «Электромонтаж ишлари» касбий ўқув амалиётлар билан боғлиқ бўлиб, бевосита ва билвосита алоқада бўлади.


«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти машғулоти ўтказишда ўқув амалиётининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилади.

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётига 120 соат ажратилган бўлиб, шу жумладан 6 соат – назарий, 114 соат – амалий машғулот, 57 соат – мустақил ишдан иборат. Ушбу ўқув амалиёт 2-курста ўқитилади.

Ушбу таълим технологияси 2-курс 3-семестр учун тайёрланди.

2. «ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ» ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ СТРУКТУРАСИ

Касб-хунар коллежларида касбий таълим жараёнининг ўқув амалиётлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки амалиётда ўқувчи назарий билимларни мустаҳкамлайди, амалда ишларни бажариб кўради ва шу билан бир қаторда касбий кўникма ва малакаларга эга бўлади. Демак, ўқувчилар учун ўқув амалиёти самарали ўтиши учун ишлаб чиқариш таълими устаси (кейинги матнларда уста) ўқув амалиётини тўғри ташкил қилиши ва ўтказиши лозим.



Ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш учун тайёргарлик:

- машғулотни ўтказиш бўйича ўқув ҳужжатларини тайёрлаш;
- ўқув-дидактик материалларни аниқлаш, танлаш ва зарур ҳолларда ишлаб чиқиш;
- машғулотнинг мақсадларига жавоб берадиган топшириқлар ва машқларни тайёрлаш;
- йўриқли технологик хариталарни тайёрлаш ва амалда бажариб кўриш;
- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонларини тайёрлаш;
- машғулот мавзуси бўйича керакли жиҳоз ва мосламаларни техник ҳолатини кўздан кечириш;
- асбоб-ускуналарни тайёрлаш;
- машғулотни ўтказиш учун хомашё ва материалларни омбордан олиб тайёрлаб қўйиш;
- иш жойларини тайёрлаш ва уларни алмашиниш графикларини ишлаб чиқиш;
- мавжуд йўриқномалар, огоҳлантирувчи белгилар ва хавфсизлик техникаси бўйича плакатларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда таъмирлаш.

Барча ишлар бажарилгандан сўнг коллежнинг бош устаси ишлаб чиқариш таълими устасининг тайёргарлигини текширади ва ҳужжатларга имзо қўйиб амалиётни ўтказишга рухсат беради.

ЎҚУВ АМАЛИЁТИ МАШҒУЛОТИНИ ЎТКАЗИШ ҚУЙИДАГИ БОСҚИЧЛАРДАН ИБОРАТ:

ЎҚУВ АМАЛИЁТИ МАШҒУЛОТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

КИРИШ (ТАШКИЛИЙ ҚИСМ)

- ўқувчилар давоматини ва машғулотга тайёргарлигини текшириш
- хавфсизлик техникаси қоидаларини эслатиш
- ўтиладиган амалиётнинг режасини эълон қилиш
- баҳолаш мезонлари билан таништириш

АСОСИЙ БОСҚИЧ

- кириш инструктажини ўтказиш
- асбоблар, материал ва хомашёларни тарқатиш
- ўқувчиларни иш ўринларига тақсимлаш
- жорий жамоавий инструктаж ўтказиш
- ўқувчиларни мавзу бўйича мустақил ишлаши
- жорий индивидуал инструктаж ўтказиш
- ўқувчилар бажарган ишларига баҳо бериб бориш
- иш жойларини тартибга келтиришини назорат қилиш
- материаллар, асбоблар, техник хужжатларининг тўғри сақланишини текшириш
- якуний инструктаж ўтказиш

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ

- бажарилган ишларни умумлаштириш
- баҳоларни эълон қилиш
- уйга вазифа бериш

(ЎМКХТ марказининг 2015 йил 8 сентябрдаги 283-сонли буйруғидаги йўриқнома сўзи қўлланма матнларда инструктаж деб юритилади)

Кириш босқичида уста ўқувчиларнинг давомати, ўқув амалиёти машғулотига тайёргарлиги, уй вазифасини текширади. Янги ўқув машғулотининг мавзуси, режаси, мақсади, кутилаётган натижалар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларини эслатади.

Асосий босқич қуйидагилардан иборат:



Кириш инструктажи.

Уста кириш инструктажини куйидаги тартибда ўтказди:

- ўқувчилар фооллигини ошириш, яъни ўтилган мавзулар билан ўтиладиган мавзунини боғлайди;
- ўтиладиган машғулотнинг мақсади ва ўқув топшириғининг мазмунини билан таништиради;
- топшириқнинг технологик моҳиятини, уни бажариш усуллариини тушунтиради;
- дастгоҳ, машина, механизм, ишчи ва ўлчов асбобларидан фойдаланиш, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ўқувчилар бажараётган ишларини мавзу бўйича йўриқли технологик харита асосида бажарилишини тушунтиради;
- йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни, брак ва носозликларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда бартараф этиш усуллариини тушунтиради;
- ўқувчилар етарли даражада тушунмаган ҳолатларда ҳаракатларни тескари кўрсатади ва саволларга жавоб беради;

Кириш инструктажи самарали ўтиши учун уста амалий машғулотни мавзуга мос замонавий интерактив методлар асосида олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кириш инструктажининг боришида 1-2 нафар ўқувчи уста кўрсатиб берган иш усуллариини такрорлаши самарали бўлади. Бу жараён хамиша гуруҳнинг фаоллигини оширади, ўқувчиларнинг эътиборли бўлишларини талаб этади.

Тушунтириш жараёнида ўқувчилар тайёрлаган деталлар ва буюмларни намуна сифатида кўрсатиш тавсия этилади, охирига етмаган, яъни тугалланмаган маҳсулот намунаси сифатида унинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш керак.

Ўқув амалиёти машғулоти баъзи ҳолларда иш бажаришнинг бир неча усулларни ўз ичига олади. Бундай ҳолларда барча усулларни ўқувчилар эътиборига бирдан ҳавола этиш керак эмас. Агарда ҳаммаси баён қилиб берилса ўқувчилар, биринчидан, толиқиб қоладилар, иккинчидан, кўп нарсани эслаб қола олмайдилар ва кейин тескаридан тушунтириб беришни сўрайдилар. Шунинг учун кириш инструктажини қисмларга бўлиб, тушунтириш ва амалий машқлар билан қўшиб ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалиёт жараёнида тушунтириш билан биргаликда иш жараёнини бажариб кўрсатиш куйидагича амалга оширилади: олдин уста ўргатилаётган ҳаракатларнинг вазифалари ва аҳамиятини тушунтириб, кейин уларни ўзи амалда бажариб кўрсатади. Иш жараёнини бажаришда аста-секин бажариш катта аҳамиятга эга.

Иш жараёнини аста-секин бажариб кўрсатиш асосий методик усуллардан бири бўлиб, улар ўқувчиларга иш ҳаракати қандай қисмлардан ташкил топишни тушуниб олиш имконини беради. Иш жараёнини айрим элементларга бўлиб кўрсатиш ҳам ана шу мақсадда олиб борилади.

Уста бажариб кўрсатган иш ҳаракатларини ўқувчилар такрорлаши, бу ҳаракат кўникмалари қанчалик аниқ ўзлаштирилганлигини, ўқувчилар олган билимлар даражасини, топшириқни муваффақиятли бажара олиш-олмаслигини текширишга ёрдам беради. Плакатда тасвирланган ёки видео тақдимот орқали иш усулини намойиш этиш ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлашда қўшимча восита ҳисобланади.

Уста ҳаракатларни бажариб кўрсатиш вақтида ҳаракатнинг энг масъулиятли жиҳатларига ўқувчилар эътиборни жалб қилган ҳолда тушунтириб беради, ҳаракатнинг вазифаси ва аҳамиятини таъкидлайди. Уни олдинги ва кейинги ҳаракатлар билан боғлайди. Иш жараёни ҳақида ўқувчилар умумий тасаввурга эга бўлганларига ишонч ҳосил қилгач, вазифани мустақил бажариш учун инструктаж беради.

Ўқув амалиётида ўқувчилар топшириқларни мустақил бажариши касбий таълимнинг асоси ҳисобланади. Чунки ўқувчи касбий фаолиятнинг турли вазиятларида муаммоларни ечишни ва қийинчиликлардан ўта олишни ўрганади. Касбий фаолиятга тайёргарлик даража (билим, кўникма, малака)сини оширади, жамоада ишлаш кўникмаларини эгаллайди.

Ўқув амалиёт жараёнида топшириқларни мустақил бажаришга куйидагилар киради:

- иш усулларни ўрганишда машқларни бажариш;

- комплекс ва йиғиш ишларини бажариш;
- жиҳоз ва механизмларни созлаш;
- носозликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
- жиҳозларга техник хизмат кўрсатишни ўрганиш ва бошқалар.

Ўқувчилар топшириқларни мустақил бажариш жараёнида уста жорий инструктаж беришни амалга ошириб боради.

Жорий инструктаж.

Уста жорий инструктажни ўтказиш вақтида ишларнинг аниқ ва тез бажарилишига, барча техник талабларга амал қилинишига, операциялар кетма-кетлиги ҳамда тўғри бажарилишига алоҳида эътибор бериши керак.

Машқларни ўтказиш вақтида уста ўқувчиларнинг иш ўринларини назорат қилиб чиқиши, ўқувчилар хатога йўл қўйганларида уларни тўғрилаши, зарур ҳолларда эса тўғри иш усулларини кўрсатиб беради. Ўқувчилар иш бажариш жараёнида қийинчиликларга дуч келганида уста уларни бартараф этиш бўйича керакли тавсиялар беради.

Одатда жорий инструктаж ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ўтказилади, бироқ яқунларни чиқариш вақтида жамоавий инструктаж ўтказилиб, типик (бир хил) хатоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш тавсия этилади.

Устанинг берган маслаҳатлари, йўл-йўриқлари ўқувчиларнинг касбий фаолиятида ўзини англашга ёрдам беради. Уста ўқувчилар тайёрлаган маҳсулотларини улар иштирокида текшириб кўриши мақсадга мувофиқдир, чунки шундай қилганда барча камчиликлар уларнинг ўзига яққол кўринади.

Ўқувчилар ишни ташкил этиши ва иш усулларини ўзлаштириб олишлари устанинг диққат марказида бўлиши керак. Бу масала жорий индивидуал ва жорий жамоавий инструктаж ўтказиш вақтидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Иш усулларини эгаллашда ишлаб чиқариш таълимининг асосий методлари - бу амалда ишни бажариб кўрсатиш ва тушунтиришдир.

Жорий инструктажни ўтказиш вақтида ҳар бир ўқувчининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва гигиенаси қоидаларини бажариши устанинг доимий назоратида бўлиши керак.

Жорий инструктажни ўтказишнинг асосий мақсади бу – аниқ мақсад билан ҳар бир ўқувчини иш жойини назорат қилиб чиқишдир. Ана шундай мақсадли назорат қилишлар вақтида уста биринчи бор ўқувчилар иш ўринларини қандай ташкил қилганлигини, назорат-ўлчов асбобларини тўғри сақлаши, ишлов берувчи асбоблар дастгоҳга қандай ўрнатилиши, дастгоҳларнинг созланишини, технологик жараёнга амал қилишини текширади. Иккинчи мақсадли назорат қилиш вақтида ўқувчилар у ёки бу иш усулини қандай бажаришини, ишлов берувчи асбоблардан тўғри фойдаланишини назорат қилади. Учинчи мақсадли назорат қилиш вақтида ўқувчи ўз-ўзини назорат қилиб назорат-ўлчов асбобларидан тўғри фойдаланиши ва технологик жараёнга тўғри риоя этилишини кузатади. Тўртинчи ва бешинчи мақсадли назорат қилишда эса кундалик топшириқларнинг бажарилишини текширади, ишларни қабул қилади ҳамда баҳолайди.

Ўқув амалиётида уста бажарилган ишларни қабул қилишга алоҳида эътибор бериши керак. Уста ўқувчилардан ишларини қабул қилиб олишда улардан ишни бажариш билан боғлиқ бўлган саволлар беради, бундан мақсад ўқувчилар ишни қанчалик онгли равишда бажарганлигини аниқлашдир.

Буюмларнинг сифатини текшириш вақтида ўқувчиларнинг йўл қўйган ҳатто энг кичик камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур бўлади, буни сабаби кичик камчиликлар орқали келиб чиқиши мумкин бўлган носозликларни тушунишига ёрдам беради ва у ўз йўлида ўқувчиларни масъулиятли бўлишга ундайди.

Яқуний инструктаж.

Ўқувчининг бир кунги ўқув машғулотида бажарган ишларини таҳлил қилиш ва зарур ҳолларда инструктаж бериш яқуний инструктажнинг асосини ташкил этади. Ўқувчининг хатоларини таҳлил қилади, сабабларини тушунтиради, тузатиш учун йўл-йўриқ кўрсатади ва

шунга ўхшаш хатолар такрорланмаслиги учун кўрсатмалар беради. Иш ўринлари тартибга келтирилади.

Комплекс ишларни бажариш учун инструктаж.

Комплекс ишлар узел деталларни тайёрлаб уларни бир-бирига мослаш, механизм ва агрегатларни қисмларга ажратиш, носозликларни аниқлаш, йиғиш, созлаш кабилар.

Комплекс ишларни бажариш анча мураккаб бўлиб аниқликни талаб қилади. Ўқувчилар маҳоратни эгаллашда яна бир поғонага кўтарилишлари лозим бўлади. Ушбу амалиётларни ўтишдаги асосий мақсад: ўқувчиларда ишни режалаштириш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини янада ривожлантиришдир.

Ўқув амалиётининг комплекс ишларни бажариш даврида амалий машғулотнинг мавзуси ва мақсадларига қараб инструктажлар кўллаш тавсия этилади.

Иш операцияларини ўргатиш вақтида йўриқли технологик хариталардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу хариталарда иш ўринларини тўғри ташкил қилиш, ишларни бажариш мазмуни ва тартиби, фойдаланиладиган асбоблар, мосламалар, назорат қилиш усуллари, операцияларни бажаришга доир расм, чизма ҳамда фото лавҳалар кўрсатилади.

Кириш инструктажида уста йўриқли технологик хариталардан қандай фойдаланиш кераклигини ёритиб беради, иш усуллари қандай бажариш кераклигини, ишлов бериш кетма-кетлиги нималардан иборат эканлигини тушунтиради ҳамда кўрсатиб беради.

Жорий инструктажнинг бориши мобайнида уста ўқувчилардан йўриқли технологик харитада мавжуд бўлган барча ишларни англаб етиш ва таҳлил қила билишни талаб этади. Якуний инструктажда уста йўл қўйилган камчиликлар йўриқли технологик харитани ўрганишда эътиборсиз фойдаланганликлари оқибатида эканлиги таъкидлаб ўтади.

Якуний босқичда уста машғулоти натижаларини таҳлил қилиб, гуруҳ ва айрим ўқувчилар қандай ютуқларга эришганликлари у ёки бу ўқувчининг ишида хатоликлар аниқланганлигини, машғулотларнинг боришида қандай носозликларга, меҳнат ва технология интизомнинг бузилишига йўл қўйилганлиги, уларга нималар сабаб бўлганлиги, бундан кейин юқорида кўрсатилиб ўтилган камчиликларга йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Ўқув амалиёти давомида бутун гуруҳ амалга оширган ишлар ва ўқувчилар кунлик топшириқларни қандай бажарганлигини маълум қилиб, баҳолаш мезонига асосланган ҳолда ишлар баҳоланади ва нима сабабдан айнан шу баҳо қўйилганлигини ўқувчиларга тушунтирилади.

Якуний босқичнинг охирида кейинги машғулоти ҳақида қисқача маълумот бериб, уйга вазифа берилиб, уни бажариш учун кўрсатмалар беради.

Уйга берилган топшириқлар ўтилган мавзу такрорий бўлмасдан кейинги мавзуга тайёрланиб келишдан иборат бўлади. Кейинги мавзуга тайёрланишда маҳсулот тайёрлаш ва йиғиш операцияларини ҳамда технологик жараённинг схемасини тузиш, бажариладиган ишларни осонлаштириш учун мосламалар конструкцияларини ишлаб чиқиш каби топшириқлар ўқувчиларнинг техник тафаккурини ривожлантиради, рационализаторлик ҳамда ихтирочилик қобилиятларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ўқув амалиёти машғулотидан сўнг бажариладиган ишлар:

- ўқув устахонасини тартибга келтириш мақсадида навбатчи ўқувчилар ишини ташкил қилиш;
- гуруҳ журналинини тўлдириш;
- амалиётда қатнашмаган ўқувчиларга ажратилган хомашёни ва ўқувчилар тайёрлаган маҳсулотни омборга топшириш;
- мослама ва асбобларнинг техник ҳолатини текшириш, зарур ҳолатларда таъмирлаш ва коллеж асбоб-ускуналар сақлаш ва тарқатиш омборхонасига топшириш;
- жиҳоз ва дастгоҳларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш;
- устахонани устахона мудури ёки бош устага топшириш.

3. «ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ» ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

Ўқув амалиётга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти

№	Мавзу	Соат	
		Назарий	Амалий
1.	Кириш. Чилангарлик иши турлари, меҳнат маданияти, маҳсулот сифати, техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари	6	
2.	Ўлчаш асослари		6
3.	Текисликда ва фазовий режалаш		6
4.	Металларни кесиш		6
5.	Металларни қирқиш		6
6.	Металларни тўғирлаш		6
7.	Металларни эгиш		6
8.	Металларни эговлаш		6
9.	Фасон юзаларни эговлаш		6
10.	Шаберлаш		6
11.	Мослаштириш ва ишқалаш		6
12.	Пармалаш		6
13.	Зенкерлаш, зенковкалаш ва развёрткалаш		6
14.	Резба кесиш		6
15.	Парчинлаш		6
16.	Кавшарлаш, қовиялаш ва елимлаб бириктириш		6
17.	Хомутлар тайёрлаш		6
18.	Резбали бирикмалар тайёрлаш ва йиғиш		6
19.	Илгак тайёрлаш		6
20.	Болға тайёрлаш		6
Жами: 120 соат		6	114

1. Кириш.

1.1. Чилангарлик устахонаси билан таништириш, иш жойларини тақсимлаш, устахонадаги тартиб қоидалар тўғрисида маълумот бериш. Меҳнат маданияти, махсулот сифати, меҳнатни илмий ташкил этиш ва унумдорлигини тушунтириш.

1.2. Ўқув устахоналарида техника электр ва ёнғин хавфсизлик қоидаларини ўргатиш. Шикастланиш сабаблари. Шикаст турлари. Шикастланишдан сақланиш.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари. Ёнғин чиқиш сабаблари. Электр иситгич ва электр асбоблардан фойдаланиш.

Тез ёнувчи ва портловчи моддалардан фойдаланиш. Биринчи ёнғин ўчириш ускуналарида фойдаланиш тартиби. Ўт ўчириш мосламалари ва кранларнинг тузилишини ўргатиш. Ўт ўчириш командасини чақириш қоидалари ва телефон рациялари. Ўқувчиларни ёнғин чиққанда бинодан чиқиш йўллари билан таништириш.

1.3. Санитария ва гигиена қоидаларига амал қилишни ўргатиш, иш жойларига ва кийиниш талабларини билдириш.

ЧИЛАНГАРЛИК ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАЗМУНИ

2. Ўлчаш асослари.

2.1. Ўлчаш асослари. Ўлчашни моҳияти, ўлчаш техникаси, ўлчамлар аниқлиги тўғрисида маълумот олиш.

2.2. Ўлчаш асбоблари: Штангенциркуль турлари, микрометр, нутромер, бурчак ўлчагич, циркуль, кронциркуль, шчуп, скоба, пробка каби асбоблар билан танишиш. Ўлчаш асбобларини тўғри ишлатиш, тўғри сақлашни билиш.

2.3. Ўлчаш асбобларидан фойдаланиш: Ўлчаш аниқлигига қараб ўлчаш асбобини танлаш. Ташқи, ички ва чуқурлик ўлчамини тўғри ўлчаш. Микрометр билан ўлчаш. Бурчак ўлчагичлар билан бурчакларни ўлчаш.

3. Текисликда ва фазовий режалаш.

3.1. Текисликда режалаш. Режалаш ишларини моҳияти, режалаш ишларини кетма-кетлигини билиш.

3.2. Режалаш ишларида ишлатиладиган асбоб ва мосламалар: чизғич турлари, циркуль, кернер, мис купороси ва улардан фойдаланиш. Деталларни режалашга тайёрлаш. Квадрат, тўртбурчак, учбурчак деталларга нишон қўйиш. Олтибурчаксимон шаклларни режалаш. Чизғич ва циркуль оёқчаларини чархлаш ва қировини тўкиш.

3.3. Фазовий режалаш: Фазовий режалашни текисликда режалашдан фарқи, ишлатиладиган асбоблар (рейсмас, штангенрейсмас), мосламалар: призма, буриладиган стол, домкрат ҳақида билимга эга бўлиш. Ўқлар ва маркаларни нишонлаш ишларини бажариш.

4. Металларни кесиш:

4.1. Кесиш тўғрисида маълумотга эга бўлиш.

4.2. Металларни кесиш асбоблари ва усуллари: зубило, крейцмесел, ўйгич, болғалар оғирлигини ва тўрини билиш. Кесиш жараёни, зубилони ушлаш, болға билан зарба бериш. Листлардан заготовка қирқиб олиш, Туникаларни тўғри чизик бўйича кесиш, плита устида туникани ҳар хил нақшда кесиш, режа излари бўйича кесиш, металл тасмани кесиш, ариқчалар кесиш.

4.3. Металларни кесиш асбобларини созлаш: асбобни дастгоҳда ўтқирлаш, чархланиш бурчагини текшириш.

5. Металларни қирқиш:

5.1. Металларни қирқиш тўғрисида умумий тушунчалар. Металларни қирқишга тайёргарлик қилиш ва қирқиш жараёни.

5.2. Металларни қирқиш асбоблари: дастакли қайчилар, ричагли қайчилар, гило-тина қайчилар, арралар. Дастакли арра билан тасмали металларни қирқиш, қувурларни ва цилиндрсимон деталларни кесиш, қайчи билан режаланган листларни қирқиш.

5.3. Металл қирқиш жараёнини механизациялаш: қирқиш жараёнини тезлаштириш ва унумдорлигини ошириш учун турли қирқиш механизмлардан фойдаланиш.

6. Металларни тўғирлаш:

6.1. Металларни тўғирлаш ва рихтовкалаш жараёни ҳақида маълумот бериш.

6.2. Тўғирлаш мосламалари, жиҳозлари ва асбоблар билан танишиш ва техника хавфсизлик қоидаларини тушунтириб ўтиш.

6.3. Симларни ва лист материалларни тўғирлаш ва тўғри бўлганлигини текшириш. Валларни ва лист материалларни рихтовкалаш. Прессларда рихтовкалаш.

7. Металларни эгиш:

7.1. Металларни эгиш жараёни билан таништириш, ишлатиладиган асбоб ускуна ва мосламалар билан таништириш.

7.2. Режаланган листларни совуқ ҳолатда гира ва бошқа мосламаларда эгиш ишларини бажариш, туникадан хомутлар тайёрлаш куракча ва шу каби буюм ясаш.

7.3. Қувур ва чивикларни совуқ ҳолатида мосламаларда 45^0 , 90^0 , 135^0 га эгиш. Чивикдан илгак ва илмоқ каби деталлар тайёрлаш.

8. Металларни эговлаш:

8.1. Металларни эговлаш тўғрисида умумий тушунчалар. Металларни эговлашга тайёргарлик қилиш ва эговлаш жараёни. Электр эгов, эговлаш дастгоҳлари, тасмали силлиқлаш дастгоҳи, силлиқлаш дастгоҳи эговлар турлари, таснифи, эгов дасталари уларни танлаш ўрнатиш ва эчиб олишни ўргатиш

8.2. Юзаларни эговлашдан олдин бажариладиган ишлар билан таништириш, тозалаш, режалаш.

8.3. Теккис юзаларни эговлаш усуллари. Ясси ва ясси туташ юзаларни эговлаш, паралел юзаларни эговлаш.

9. Фасон юзани эговлаш:

9.1. Фасон юзани эговлаш усуллари, қўл ҳаракатлари, гавдани тутиш. Фасон юзани эговлашдан кейин текшириш.

9.2. Қаварик ва ботиқ юзаларни эговлаш. Заготовкани маҳкамлаш, юзани профилига қараб эгов танлаш ва эговлаш.

9.3. Юпқа листларни эговлашни ўрганиш. Юпқа листларни эговлагандаги носозликлар пайдо бўлиши ва уларни бартараф қилиш.

10. Шаберлаш:

10.1. Шаберлаш тўғрисида умумий маълумотлар ва моҳиятини тушунтириш. Шаберларни конструкцияси ва тайёрлаш материаллари. Шаберларни чархлаш ва ўткирлик бурчагини ўлчаш. Текис юзаларни шаберлаш ва сифатини текшириш.

10.2. Теккис юзаларни шаберлашга тайёрлаш ва шаберлаш. Шаберланган юзани текшириш.

10.3. Фасон юзаларни шаберлашга тайёрлаш ва шаберлаш. Шаберланган юзани текшириш.

11. Мослаштириш ва припасовкалаш:

11.1. Мослаштириш ва припасовкалаш ҳақида тушунча бериш уларни моҳиятини билдириш. Мослаштириш ва припасовкада ишлатиладиган асбоблар ва мосламалар. Мослаштириш ва припасовкани усуллари.

11.2. Клапанлар ва кранлар бир бирига припасовкалаб мослаштиришга тайёргарлик ишлари ва мослаштириш ишлари.

11.3. Мослаштирилган деталларни текшириш ва нуқсонларини бартараф этиш.

12. Пармалаш:

12.1. Пармалаш ишлари. Пармалаш ишлари тўғрисида умумий маълумот бериш ва пармалаш ишлари моҳиятини тушунтириш. Пармаларни конструкциясини билиш, заготовкани материалга қараб пармани танлаш, очиқ ва берк тешикларни пармалаш. Пармаларни чархлаш ва андоза ёрдамида ўткирлигини текшириш

12.2. Пармалаш дастгоҳлари ва мосламалар: Пармалашда ишлатиладиган қўл машиналар (дрель, коловорот) билан ишлаш. Заготовкани мосламага қотириш. Дастгоҳни созлаш ва кесиш режимини ўрнатишни билиш.

12.3. Дастгоҳни созлаш, пармани ўрнатиш, очиқ ва ёпиқ тешикларни пармалаш ишларини олиб бориш.

13. Зенкерлаш:

13.1. Зенкерлаш. Зенкерлаш тўғрисида умумий маълумотлар бериш ва моҳиятини тушунтириш. Зенкерларни конструкцияси ва тайёрлаш материаллари. Зенкерни дастгоҳга ўрнатиш ва тешикларга ишлов бериш.

13.2. Зенковкалаш. Зенковкалаш тўғрисида умумий маълумотлар бериш ва моҳиятини тушунтириш. Зенковкаларни конструкцияси ва тайёрлаш материаллари. Зенковкани дастгоҳга ўрнатиш ва тешикларга ишлов бериш.

13.3. Тешикларни развёрткалаш. Развёрткалаш тўғрисида умумий маълумотлар ва моҳиятини тушунтириш. Развёрткаларни конструкцияси ва тайёрлаш материаллари. Развёрткани дастгоҳга ўрнатиш ва тешикларга ишлов бериш. Қўл билан развёртка ишини бажариш.

14. Резба кесиш:

14.1. Резбалар тури ва резба кесиш асбоблари: Резбалар тўғрисида умумий маълумотларни бериш. Резба профили, турлари ва уларни қаерда ишлатишни ўргатиш. Резба кесиш асбоблари ва турлари. Резба кесишни механизациялаштириш.

14.2. Ички резбалар очиш: очиқ ва берк тешикларда ички резба очиш. Резба сифатини текшириш. Аниқланган нуқсонларни бартараф қилиш. Синиб қолган метчикни заготовкадан чиқариб олиш усуллари.

14.3. Ташқи резба очиш: турли диаметрларли заготовкаларга резба кесиб болт, шпилка ясаш. Резба сифатини текшириш ва нуқсонларини аниқлаш.

15. Парчинлаш:

15.1. Парчинли бирикмани режалаш ишлари. Парчинлаш ишлари тўғрисида умумий маълумотлар бериш ва парчинлаш ишлари моҳиятини тушунтириш. Парчинли бирикмалар турлари. Парчинли бирикмани тайёрлаш учун заготовкакани режалаш ва тешиш.

15.2. Парчинлар тайёрлаш ва заготовкакани тешиш: парчин михларнинг турлари. Парчинларни диаметри ва узунлигини аниқлаш. Заготовкакани мосламаларга ўрнатиб парчин михлар тайёрлаш.

15.3. Парчинли бирикмани йиғиш ва сифатини текшириш.

16. Қовиялаш:

16.1. Қовиялаш. Қовиялаш асбоблари: кавшарлар ва флюслар тўғрисида умумий тушунча бериш. Қовиялаш ишларининг моҳиятини тушунтириш. Қовиялаш ишларига тайёргарлик кўриш. Қовиялаш асбоблари. Қовиялаш лампалари, даврий қиздириладиган қовиялар, газли қовиялар, электр қовиялар ишлатишни кўрсатиш ва ўргатиш. Қовиялашда ва қалайлашда техника ва ёнги хавфсизлиги коидалари. Симларни бир-бирига қалайлаб улашни ўргатиш.

16.2. Қовияланган бирикмани текшириш. Текшириш вақтида нуқсонлар содир бўлган сабабларни аниқлаб, тузатиш усуллари билан нуқсонларни бартараф этиш.

16.3. Елимлаш: елимлар турлари, елимлашга тайёргарлик ишлари. Заготовкакларни бир-бирига елимлаш. елимланган заготовкакларни сифатини текшириш.

17. Хомутлар тайёрлаш:

17. Хомутлар тайёрлаш. Ўқувчилар амалиёт вақтида ўзлаштирган билим малака ва кўникмаларидан фойдаланиб турли хил ўлчамдаги очиқ ва ёпиқ хомутлар тайёрлаш. Режалаш, кесиш, тўғирлаш, буқиш, тешиш, зенковкалаш ишларини бажариш.

18. Резбали бирикма йиғиш:

18.1. Резбали бирикмани йиғиш. Резбали бирикмани йиғиш учун заготовкакларни тайёрлаш ишлари. Ташқи ва ички резбаларни назоратдан ўтказиш. Резбалар назоратдан ўтказилиб ички ва ташқи резбалар бир-бирига мос келиши текширилади. Нуқсон резбали деталлар тўғирланади ёки алмаштирилади. Резбали бирикмани йиғиш ишлари. Резбали деталлар бир-бирга уланади, болт ва винт ёрдамида деталлар тортилади ва қотирилади. Резбали бирикма ишончли бўлиши **учун контргайка орқали ёки шплинт ёрдамида мустаҳкамланади.**

19. Илгак тайёрлаш.

19.1. Илгак тайёрлаш. Ўқувчилар амалиёт вақтида ўзлаштирган билим малака ва кўникмаларидан фойдаланиб берилган аниқ ўлчамдаги илгак тайёрлашади. Режалаш, кесиш, тўғирлаш, буқиш, тешиш, зенковкалаш, парчинлаш ишларини бажаришади.

20. Болға тайёрлаш:

20.1. Болға тайёрлаш: ўқувчилар амалиёт вақтида ўзлаштирган билим малака ва кўникмаларидан фойдаланиб берилган аниқ ўлчамдаги болға тайёрлашади. Режалаш, пармалаш, эговлаш каби ишларни бажаришади.

<p style="text-align: center;">4. «ЧИЛАНГАРЛИК ИШЛАРИ» ЎҚУВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ</p>
--

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта

ташқил этишни зарур қилиб қўйди ва бир қатор чора тад-бирлар кўришни, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонунни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, ўқув-тарбиявий жараёни, олий ўқув юр்தларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташқил этишни ва энг асосийси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишни тақоза этди.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Президентимиз И.А.Каримов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўла рўёбга чиқса, ижобий равишда «портлаш эффекти» содир бўлишини башорат қилиб, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири саволларига берган жавобида «...ишончим комил, агар бу ислохотни амалга оширсак тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарадорлигига эришамиз» деб таъкидлайди.

Назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошса:

1. Ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатдаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

2. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади.

3. Жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланади.

4. Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади.

5. Олдимизда турган ҳар қандай вазифа ўқув амалиёти бажаришда мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса ижобий маънодаги «портлаш эффектига» олиб келади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалдаги учинчи босқичи мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услугий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш, таълим жараёнини ахборотлаштириш каби вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди. Бу вазифаларни амалга оширишда ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар юксак касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигига эга бўлишлари талаб этилади.

Ўзлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юр்தлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-ўқув амалиётнинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида ўқувчи ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташқил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиялардан фойдалана билиши муҳимдир. Бу эса ўқувчиларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ёзиш, дарсларни савол-жавоб тарзида кизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, ўқувчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, талабалар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда «Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувларни келтирамиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилишни назарда тутди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакл-лантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсифлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши. Демократилик, тенглик, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини фаоллаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Чилангарлик ишлари» ўқув амалиётининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, амалий ишлаш усули.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, гуруҳ ва якка тартибда.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: ўқувчилар билан оператив тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Қайта алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун семестр давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Семестр охирида ўқувчиларнинг назарий билимлари тест топшириқлари, кўникмалар эса амалий топшириқлар бажариш ёрдамида баҳоланади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-МАВЗУ:	ЧИЛАНГАРЛИК ИШИ ТУРЛАРИ, МЕХНАТ МАДАНИЯТИ, МАҲСУЛОТ СИФАТИ, ТЕХНИКА, ЭЛЕКТР ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ
-----------------	---

Ўқув амалиёти машғулотининг ўқитиш технологияси модели

<i>Вакт: 6 соат</i>	<i>Ўқувчилар сони: 30 нафар</i>
Машғулот тури:	Амалий-ўқув амалиёти
<i>Ўқув амалий машғулотининг режаси</i>	1. Кириш
	2. Чилангарлик ишлари билан танишув
	3. Мехнат маданияти, маҳсулот сифати
	4. Техника ва ёнгин хавфсизлик қоидалари
	5. Баҳолаш ва баҳоларни элон қилиш
<i>Ўқув амалиёти машғулотининг мақсади: ўқувчиларда чилангарлик ишлари, унинг турлари ва моҳияти тўғрисида билимларни шакллантириш, техника, электр ва ёнгин хавфсизлиги, биринчи ёрдам кўрсатиш, санитария-гигиена қоидаларини ўргатиш.</i>	
<p style="text-align: center;">Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кириш. Чилангарлик ишлари моҳиятини тушунтириш. • Чилангарлик касби ва иш турлари билан таништириш. • Мехнат маданияти, маҳсулот сифати тушунчаларни ёритиб бериш. • Техника, электр ва ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидаларини ўргатиш. 	<p style="text-align: center;">Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар чилангарлик ишларини моҳиятини тушунадилар ва айтиб берадилар. • Ўқувчилар чилангарлик касби ва ишлар тури билан танишади ва таснифлайдилар. • Ўқувчилар мехнат маданияти, маҳсулот сифати тушунчаларини биладилар. • Ўқувчилар техника, электр ва ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидаларини биладилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маруза, тушунтириш, кўрсатиш
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоавий, гуруҳларда ва якка тартибда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Стендлар, кўргазмали куроллар. Кодоскоп, слайдлар, «Т-жадвали», «Инсерт» жадвали.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Жихозланган чилангарлик устахонаси.
<i>Қайта алоқа усул ва воситалари</i>	Оғзаки савол-жавоб, тест саволлари

Ўқув амалиёти машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
Ўқув амалиётига кириш 20 дақиқа	<p>Ташкилий қисм:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларга ўзини таништиради ва улар билан танишиб чиқади. 2. Йўқлама қилади. <p>Мақсад ва вазифани белгиланиши:</p> <ol style="list-style-type: none"> 3. Амалий машғулот мавзуси, унинг режаси, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради. 4. Машғулотнинг баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-Илова). 	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар ва чилангарлик ишлари ҳақида билганларини гапиради.</p>
Асосий босқич 205 дақиқа	<p>Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларни фаол иштирок этишлари учун таянч билимлари етарлигини «Кириш тести» ёрдамида аниқлайди (2-Илова). Аниқланган билимлар ва фанлараро боғлиқлиги асосида чилангарлик ишларини моҳиятини тушунтиради. Янги мавзу баёни. 2. Чилангарлик ишларини моҳиятини тушунтиради, чилангарликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан таништирилади, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхати берилади.(3-Илова). 3. Чилангарлик касби тарихи, иш турлари билан таништиради. Меҳнат маданияти, маҳсулот сифати тўғрисида маълумот беради Меҳнатни илмий ташкил қилиш йўллари ўргатади. Иш жойини ташкил қилишга қўйиладиган талабларни тушунтиради (4-Илова: слайдлар1.2.) ва иш жойини ташкил қилиб кўрсатади. 4. Ўқув устахонасида ва коллеж ҳудудида юриштуриш талабларини тушунтиради. Техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидаларини ўргатади. Жароҳатланганга биринчи ёрдам бериш қоидаларини кўрсатиб ўргатади (5-Илова) ва хавфсизлик техникаси журнаliga имзо қўйдиради 5. Ўқувчиларнинг мавзу бўйича берилган материални ўзлаштирганлик даражасини савол-жавоб қилиб аниқлайди (6-Илова) ва «Т-жадвали»ни тўлдиртиради (7- Илова). 	<p>Тест жавобларини белгилайдилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар , ёзиб оладилар, талабларга асосланиб иш ўрнини ташкил қиладилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Биринчи ёрдам беришни машқ қиладилар. Хавфсизлик техникаси журнаliga имзо қўядилар.</p> <p>Саволларга жавоб беради. «Т-жадвал» ни тўлдирадилар.</p>
Яқуний босқич 15 дақиқа	<p>Яқунлаш:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларни амалий машғулот бўйича баҳоларини эълон қилади (8-Илова). 2. Бажарилган ишларни умумлаштиради ва келгусида чилангарлик ишлари касбий фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга эканлигига ўқувчилар эътиборини қаратади. 3. Келгуси машғулот мавзуси билан таништиради ва янги мавзунини «Инсерт» усулидан фойдаланиб жадвалини тўлдиришни (9-Илова) ва чет тилида сўз ва ибораларни ёдга олишни уйга вазифа қилиб беради. 	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Топширикни ёзиб оладилар.</p>

Техника, электр ва ёнги хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари мавзусида ўқувчиларнинг билимини баҳолаш мезони.

№	Мезонлар	Баҳо
Назарий билим (берилган саволларга жавоб бериши)		
1.	Саволларга тўлиқ жавоб бериш, мисоллар, далиллар келтириш.	5
2.	Саволларга нотўлиқ жавоб бериш.	4
3.	Саволларга қисман жавоб бериш.	3
4.	Саволларга умуман жавоб бермаслик.	2
Иш ва иш жойини ташкил қилиш		
5.	- иш ва иш жойини тўғри ташкил этиш; - ишлаб чиқариш операцияларини амалга оширишда мақбул иш усулларини қўллаш ва турли ишларни хатосиз бажариш; - ишни мустақил режалаштириш ва бажариш.	5
6.	Ишлаб чиқариш таълими устасининг кўмаги билан: - иш ва иш жойини тўғри ташкил этиш; - ишлаб чиқариш операцияларини амалга оширишда мақбул иш усулларини қўллаш ва турли ишларни хатосиз бажариш; - ишни мустақил режалаштириш ва бажариш.	4
7.	- иш ёки иш жойини ташкил этиш, ишлаб чиқариш операцияларини амалга оширишда мақбул иш усулларини қўллаш ва турли ишларни хатосиз бажаришда баъзи хатоликларга йўл қўйганлиги; - ишни етарли даражада мустақил режалаштира олмаганлиги ва бажара олмаслиги.	3
8.	- иш ва иш жойини ташкил этишда мунтазам равишда хатоларга йўл қўйиш ва асосий иш усулларини етарли даражада ўзлаштира олмаслиги; - ишни мустақил режалаштира олмаганлиги ва бажара олмаслиги; - хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаганлиги.	2
Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш		
9.	Хавфсизлик техникаси қоидаларини мукамал билиши ва уларга тўлиқ риоя қилиш.	5
10.	Хавфсизлик техникаси қоидаларини билиши ва уларга тўлиқ риоя қилиш.	4
11.	Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишда хатоликларга йўл қўйиши.	3
12.	Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаслиги.	2

«Чилангарлик ишлари» ўқув амалиёти учун кириш тестлари

1. Темирчилик қачон пайдо бўлган?

- *А) Милоддан аввал 4-3 минг йил.
- Б) Милоддан аввал 8-6 минг йил.
- В) Милодий 3-4 йилларда.
- Г) Милодий 17-18 асрларда.

2. Пўлатдан қандай буюмлар тайёрлаш мумкин?

- А) Рўзғор буюмлари. Б) Ҳарбий қурооллар.
- В) Қишлоқ – хўжалик ашёлари. *Г) Барчаси тўғри.

3. Пўлатда углеродни миқдори неча %гача бўлиши мумкин?


- А) 1.5; Б) 0.5; *В) 2.14; Г) 6.7

4. Бу чизиқни номини аниқланг. ---

А) контур чизиғи; *Б) ўқ чизиғи; В) бундай чизиқ ишлатилмайди; Г) штрих чизиғи.

5. Шаклнинг номини белгиланг.

А) Квадрат; *Б) Ромб; В) Конус; Г) Призма



6. Октаендрда нечта қирра бўлади?

А) 4; Б) 6; *В) 8; Г) 10

7. Қора металллар группасига қайси металллар киради?

*А) Чўян, пўлат; Б) Бронза, латун; В) Мис, алюминий; Г) Барчаси тўғри.

8. Металлга иссиқлик билан таъсир қилганда унда қандай хоссалар намоён бўлади?

А) Қотади; Б) Мўртлашади; *В) Катталашади; Г) Кичиклашади.

9. Кесувчи асбоб деталга нисбатан қандай бўлиши керак?

А) Силлик; Б) Тоза; *В) Қаттиқ; Г) Қиммат.

10. Чўян таркибида углерод миқдори неча %ни ташкил қилади?

А) 1.5-1.9; *Б) 2.14-6.7; В) 7.12—8.5; Г) 0.01—1.05.

11. Пўлатларни қаттиқлигини ошириш учун нима қилиш керак?

*А) Легирлаш; Б) Бўяш; В) Болғалаш; Г) Совитиш.

12. Техника хавфсизлиги қондаларига нима учун риоя қилиш керак?

*А) Ўзини ва атрофдагиларни соғлиғи ва ҳаётни сақлаш учун;

Б) Атроф муҳитни сақлаш учун;

В) Рўйхатдан ўтиш учун;

Г) Барчаси тўғри;

13. Ўлчаш асбобларига нималар киради?

А) Циркуль; *Б) Штангенциркуль; В) Лекало; Г) Кресмейсел.

14. Штангенциркуль нимани ўлчайди?

*А) Ташқи, ички юзаларни ва чуқурликни ўлчайди;

Б) Бурчакларни градусини ўлчайди;

В) Юзаларни текислигини ўлчайди;

Г) Идишларни ҳажмини ўлчайди;

15. Устахонада қайси қондаларга риоя қилиш керак?

А) Техника хавфсизлиги;

Б) Ёнғин хавфсизлиги;

В) Электр хавфсизлиги;

*Г) Барчаси тўғри .

З-Илова.

Адабиётлар рўйхати

1. Н. Макиенко, А. Умронхўжаев: «Чилангарлик», «Меҳнат». 2003 й.

2. Н. Бекмуродова «Чилангарлик ишлари» «Меҳнат». 2002 й

ЯНГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ СЛАЙДЛИ ТАҚДИМОТИ

Chilangarlik ishi O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi

CHILANGARNING ISH JOYI

Chizma yoki texnologik karta

O'ichov asboblari

Chap qo'l bilan olinadigan zagotovka va asboblari

Ishlov berish asboblari uchun taglik (podstavka)

© "EEL" O'AG, 2002. 781629 Samarqand sh., E. Yusupov A., 2. Tsh/jaka: (3462) 31-83-74, sh: 33-29-52 E-mail: eel@rambler.ru

Chilangarlik ishi O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi

CHILANGARNING ISH JOYI (2-varaq)

Asbob, zagotovka, va hujjatlarni qo'l yetadigan masofaga joylashtir!

Ish oldidan: topshiriq varaqasi, zagotovka, chizmalar, asboblari, moslamalar va zaruriy materiallar mavjudligini tekshir!

ASBOBLARNI TO'G'RI JOYLASHTIR!

To'g'ri!

Noto'g'ri!

Ish vaqtida:

1. Har bir asbobdan vazifasi bo'yicha foydalan!
2. Asbob hamda moslamalarni zarba va iflos bo'lishdan saqla!
3. Har bir asboblarni o'z joyiga qo'y!

Ish tugagach:

1. Asboblarni quruq va toza latta bilan art!
2. Barcha asboblarni ehtiyotlik bilan taglikka o'z joyiga qo'y!
3. Asboblarni qo'yilgan taglikni ichiga qo'y!
4. Ish o'rnini tozalal!
5. Iskanja (tisk) jag'lari orasidagi tirqishni 5-10 mm o'chamga keltir!

© "EEL" O'AG, 2002. 781629 Samarqand sh., E. Yusupov A., 2. Tsh/jaka: (3462) 31-83-74, sh: 33-29-52 E-mail: eel@rambler.ru

СУНЪИЙ НАФАС БЕРИШ



6-Илова.

Ўқувчиларни мавзу бўйича билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун саволлар

1. Чилангарликнинг қандай турлари бўлади?
2. Меҳнат маданияти деганда нима тушунилади?
3. Техника хавфсизлиги қоидаларини нима учун билиш керак?
4. Чилангарлик ишлари вақтида иш жойи қандай ташкил қилинади?
5. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишнинг моҳияти нимада?

7-Илова

«Т-жадвали». «Чилангарлик ишлари».

Афзалликлари	Камчиликлари

8-Илова.

«Инсерт» жадвали (уйга вазифа).

В	+	?

«В» – Мен билган маълумотга мос

«+» – Мен учун янги маълумот

«?» – Мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

Чет тилида таянч сўз ва иборалар

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида
Чилангар	Слесарь	Locksmith
Иш	Работа	Job
Чилангарлик ишлари	Слесарные работы	Locksmith
Верстак	Верстак	Workbench
Гира	Тиски	Vise
Хавфсизлик техникаси	Техника безопасности	accident prevention
Электр токи	Электрический ток	Electricity

_____ гуруҳини «Чилангарлик ишлари»

ўқув амалиёти машғулотининг «Чилангарлик иши турлари, меҳнат маданияти, маҳсулот сифати, техника, электр ва ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари» мавзусини

БАҲОЛАШ ВАРАҒИ

Сана: _____ 201_ йил Назорат тури: жорий Топшириқ номи: иш жойини тўғри ташкил қилиш. Амалиётга сарфланадиган вақт: 6 соат	Ўқувчиларнинг фамилияси, исми, шарифи																														
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	
Баҳолар меъзони:																															
Иш жойини тўғри ташкил қилиши.																															
ТХҚ га риоя қилиши.																															
Назарий билими.																															
Хулосалар.																															

Ишлаб чиқариш таълими устаси _____

(имзо)

(ФИШ)



Хайдаров Ботир Машрапович

1990 йилда Фарғона политехника институтининг «Механика» факультетини «Машинасозлик технологияси» мутахассислиги бўйича тугатган.

1990-1999 йилларда Қўқон шаҳар «Қўқонтекстилмаш» заводида муҳандис-технолог ва цех бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1999-2009 йиллар давомида «Ўзтрансгаз» АК «Водий-газтаъминот» Қўқон филиалида фаолият юритди.

2009 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлаб келмоқда.

2011 йилда Наманган Давлат муҳандислик-педагогика институтининг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида педагогик қайта тайёрлаш йўналишини тугатган.

2012-2013 ўқув йилида «Чилангарлик» ўқув амалиёти 3-семестрининг амалий машғулоти бўйича таълим технологиясини тайёрлаган.

ТЕШИКЛАРНИ РАЗВ'ЕРТКАЛАШ

ПАРМАЛАШ ДАСТГОХИДА РАЗВ'ЕРТКАЛАШ

РАЗВ'ЕРТКАЛАШНИ КЕТМА-КЕТЛИГИ

РАЗВ'ЕРТКАЛАШ

ЧУҚУР ТЕШИКЛАРНИ РАЗВ'ЕРТКАЛАШ

РАЗВ'ЕРТКАЛАР КОНСТРУКЦИЙСИ

ДАСТАКИ РАЗВ'ЕРТКАЛАР ТУТЛАМИ

ДАСТАКИ РАЗВ'ЕРТКА

ЭЛЕМЕНТАР ГЕОМЕТРИЯСИ

ISBN 978-9943-4155-2-2

9 789943 415522

ABU

“ABU MATBUOT-KONSALT”